

Шайх, доктор Муҳаммад Холид Хорса ҳамда шайх, доктор Аҳмад Муҳаммад Фодил ҳазратлари Самарқандга ташриф буюришди



19:30 / 06.06.2022 1635

Аввал хабар берганимиздек, замонамизнинг машҳур алломалари – **шайх, доктор Муҳаммад Холид Хорса** ҳамда **шайх, доктор Аҳмад Муҳаммад Фодил** ҳазратлари юртимизда меҳмон бўлиб турибдилар.

Бугун азиз меҳмонларимиз Самарқанд шаҳрига ташриф буюрдилар. Меҳмонлар дастлабки сафарларини Хўжа Аҳрор Валий мажмуасини зиёрат қилишдан бошладилар ва бомдод намозини адо этдилар. Сўнгра муҳаддис имом Доримийни зиёрат қилдилар. Кейин Шохи Зинда мақбарасига ташриф буюриб, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг амакиваччалари, улуғ саҳобий Қусам ибн Аббос розияллоҳу анҳуни зиёрат қилдилар.

Азиз меҳмонларнинг сафарлари имом Мотуридий **зиёратгоҳи билан давом этди**. Сўнгра, меҳмонлар ҳадис илмининг султони Имом Бухорий мангу қўним топган муқаддас мажмуа ёнида ташкил этилган ҳадис илми мактабига ташриф буюришди ва у ерда бир нечта хатм қилинган

китобларнинг ижоза санадини тарқатишда иштирок этишди.

Ташриф чоғида Махдум Аъзам қадамжоларини ҳам зиёрат қилдилар.

Ташриф жараёнини бизнинг ижтимоий тармоқларимизда кузатиб боринг!